



Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>

t.me/farhaqiqati

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Кадрли дўстлар!

Авваламбор, ўз истеъдоди ва маҳорати, фидокорона меҳнати билан эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган сиз, миллий журналистикамиз жонкуярларини, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Маълумки, ахборот соҳасини эркинлаштириш ва ривожлантириш Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келмоқда. Мамлакатимизнинг янгиланган Конституциясида оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритишини таъминлаш бўйича муҳим қонда ва тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилгани, соҳага доир ҳуқуқий асослар такомиллаштириб борилаётгани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Айниқса, кейинги йилларда юртимизда сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигига эришиш йўлида кенг имкониятлар очилаётгани медиа воситалари вакиллариининг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, ўрни ва нуфузини янада кучайтирмоқда.

Бугунги кунда жамиятимизда очиқлик ва ошкориликни ривожлантириш, давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатгиш, фуқароларимизнинг қонуний муносабатларини ўрганиш ва ҳал қилиш борасида сизларнинг ўрнинги ва таъсирингиз тора ортиб бораётганини барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Шу ўринда газета ва журналларимиз, теле ва радио каналлар, ижтимоий тармоқларда турли мавзулардаги долзарб чиқишлар, муаммоли



масалалар юзасидан мутахассис ва экспертлар иштирокидаги кўрсатув ва эшиттиришлар, таҳлилий шарҳлар, баҳс-мунозаралар сезиларли равишда кўпайганини таъкидлаш лозим. Хусусан, қурилиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги камчиликлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги муаммолар бўйича бериб борилаётган танқидий ва таҳлилий материаллар жойларда мудраб ўтирган айрим раҳбар ва мутасаддиларни уйқудан уйғотиб, янги ишлаб, одамларнинг ташвиши билан яшашга мажбур қилмоқда.

Мухтасар айтганда, қуюнчак ва олижаноб журналистаримиз, фаол блогерларимиз ўзларининг қатъий позицияси, ҳаққоний сўзи билан ҳаётимиздаги ўткир муаммоларни ҳал этиш, ислохотларимизнинг самарасини ошириш, юртдошларимизнинг фикрини, дунёқарашини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси миллий медиа воситаларимиз "тўртинчи ҳокимият" даражасига яқинлашиб

бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга, бундай юксак маррага етиш осон эмаслиги, бу йўлда тўсиқ ва қийинчиликлар бўлиши табиийдир.

Лекин, қанчалик қийин бўлмасин, бу борадаги ишларимизни қатъият билан давом эттирамиз.

Мухтарам дўстлар!

Бугунги кунда матбуот иши, журналистлар фаолияти нафақат "тўртинчи ҳокимият", балки кўпқилувчи соҳага айланиб бормоқда. Бу эса мазкур йўналишда айнан сизлардек жасур ва довоюррак, Ватанни чин дилдан севадиган, ўз касбига содиқ ва фидойи инсонлар тора кўпроқ бўлишини тақозо этмоқда.

Ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда, кўп қиррали профессионал билим ва малакага, юксак маънавий-интеллектуал фазилатларга эга бўлган замонавий журналист кадрлар тайёрлаш бундан буён ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Шу билан бирга, ахборот майдонини сифатли ва рақобатдош миллий контент билан тўлдириш масаласи ҳар

қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бораётгани барчамиз учун аён ҳақиқатдир.

Шу боис, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни миллий манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда, тезкор ва чуқур таҳлиллар асосида ёритиб бориш ўта муҳим, деб ўйлайман.

Шунингдек, бугунги кунда ёлғон ва асоссиз маълумотларни тарқатиш орқали одамларни алдаш, тўғри йўлдан чалғитиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани аҳолининг медиа саводхонлигини оширишни олдимизга кечиктириб бўлмайди вазифа қилиб қўймоқда. Ахборот майдонида юзага келаётган баҳсли тортишув ва муаммолар фақат ва фақат қонун доирасида, ҳуқуқий меъёрлар негизида ҳал этилиши шарт.

Сиз, ҳурматли медиа тармоқлари вакиллари ана шундай масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этасиз, деб ишонаман.

Албатта, соҳада хизмат қилаётган барча юртдошларимизнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Ушбу қувончли айёмда сизларни қутлуғ касб байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, шарафли фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрам муносабати билан юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган оммавий ахборот воситалари ходимларини чин дилдан қутлайман.

Иланиш ва илҳом завқи, янги ижодий ютуқлар сизларга ҳаммиша ёр бўлсин, азизлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

Кутлаймиз!



МАТБУОТ ФИДОЙИСИГА МУНОСИБ МУКОФОТ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунин арафасида тарқалган хушхабар дилларни қувонтирди. Таниқли журналист Собиржон Темиров демократик ислохотларни амалга ошириш йўлидаги фаоллиги, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдаги самарали фаолияти учун давлатимизнинг юксак мукофоти – "Меҳнат шўхрати" ордени билан тақдирланди. Бу унинг матбуот соҳасидаги эллик йиллик фидойи меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

1971 йилда "Сирдарё ҳақиқати" газетасида мусахххх вазифасида фаолият бошлаган Собиржон Темиров йиллар давомида тобланиб, қалами чархланиб, ижоди юксалиб борди. 2003 йилдан буён "Бешариқ тонги" газетаси бош муҳаррири лавозимида ишлаб, вилоят ижодкорлари, газета ўқувчилари ҳамда кенг жамоатчилик орасида ҳурмат-эътибор топди.

Устоз журналист газетанинг ҳар бир сонига ижодий ёндашди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётида олиб борилаётган ислохотларни аҳолига етказишда турли мавзудаги ижодий чиқишлари билан ўрнатилган келмоқда. Унинг раҳбарлигида газета савияси ва сифати тубдан ўзгарди, даврийлиги қатъий йўлга қўйилди. Моддий-техник базаси яхшиланди. Шу боис, газетанинг адади 3500 дан 10000 нусхагача ортиб, аҳоли хонадонларига, қорхона, ташкилот ва муассасаларга кириб бормоқда.

Собиржон Темировнинг шогирдлари ҳозирги кунда республика ва вилоят оммавий ахборот восита-

ларида меҳнат қилмоқда. Кейинги йилларда 35 нафар ёш ижодкорларнинг илк тўпламлари нашр этилишида унинг ҳиссаси бор.

Тиниб-тинчимас журналистнинг илганувчанлиги туйғай-ли тақдирнинг жамоаси, бош муҳаррирининг ўзи ижодий ишлари билан республика ҳамда вилоят кўрик-танловларида ғолибликни қўлга киритиб келмоқда. Собиржон Темиров 2013 йилда "Шўхрат" медали билан тақдирланган, 2018 йилда "Йилнинг энг фаол журналисти" мақомига эришган ижодкордир.

Туман "Маънавият ва маърифат" маркази тарғиботчилар гуруҳи раҳбари, халқ депутатлари Бешариқ туман Кенгаши депутати, туман Кенгаши раисининг ўринбосари сифатида ўз мавқеига эга. Узи сайланган округда хайрия тадбирларини ташкил этиб, 38 нафар кам таъминланган оилаларга бегараз ёрдам кўрсатди.

Унинг миллатлараро муносабатлар, диний бағрикенгликни тарғиб қилишдаги зиматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Журналист Тожикистон Республикасининг Сўғд вилоятидаги оммавий ахборот воситалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Хусусан, "Садон Қонибодом", "Халқ овози", "Ваҳдад" газеталарида мақолалари мунтазам эълон қилиниб, маҳаллий телеканаллар орқали чиқишлар қилиб туради.

Чинакам фидойилик, ташаббускорлик билан меҳнат қилаётган Собиржон Темировни муносиб мукофот билан қутлаб, қалами ўткир, оқ қозғога битаётган ҳар бир сўзи эл қалбидан жой олишини, шогирдлари ва фарзандлари камолддан манмулик, ижод завқидан масрурлик тилаймиз.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.

Иқроп

ҲАҚИҚАТ

СИНМАЙДИ...

Дунё ўткинчи. Ким эрта, ким кеч, лекин барибир ўша, охириг кун келади.

Ҳаётимдан кўнглим тўқ. Лекин... Бир ҳақиқат ҳам борки, уни эсласам, ўртанаман, ўзимни у инсон олдига ноқулай сезаман.

1996 йили мен "Фарғона ҳақиқати" – "Ферганская правда" газеталари бош муҳаррири эдим. Вилоят ҳокимининг шахсан топшириғи билан текширилмаган, ўрганилмаган, редакциянинг бир ходими имзоси остида бўлса-да, аслида ҳокимлик тақдим этган бир мақолани чоп этишга мажбур бўлдим. Газета ҳокимлик муассислигида бўлгани учун мен ҳоким топшириғини бажаришим шарт эди, деб ҳисоблаганман. Бу таниқли журналист, Ўзбекистон телевидениеси "Ахборот" дастурининг Фарғона водийсидаги махсус мухбири Мухаммадҷон Обидов ҳақидаги танқидий мақола эди.

Обидов газетгага раддия ёзди. Ҳоким уни чоп этишини тақиқлади. Шунда журналист ўзининг ҳақ-ҳуқуқи, шаънини ҳимоя қилиб судга берди. Суд "Фарғона ҳақиқати"да босилган мақолани тухмадан иборат деб топди ва раддия эълон қилиш вазифасини юкледи. Вилоят ҳокими яна қаршилик қилди. Энди Обидов жиноят иши қўзғатиш ҳақида ариза берди. Шундай бўлди ҳам. Узок тергов ва суд мазкур тухмат учун унга алоқадор шахсларни тегишли моддалар билан айбдор деб топиб уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилди. Хайриятки, Президентнинг амнистия ҳақидаги Фармони чиқиб, биз жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиндик. Озод қилинганлар орасида вилоят ҳокими ҳам бор эди.

Ҳозир айтмоқчи бўлган гапим аслида бу ҳақида эмас.

Биз хатто ҳоким босими билан бўлса-да, бир инсонга тухмат қилдик. Судда бу тасдиғини топди ва ҳеч ким бахшашмади, ҳукм билан. Унинг эса мавқеи, обрўси ошди. Олий Мажлис депутатлиғига сайланди. Журналист сифатида Давлат раҳбари сафарларига кўпроқ ҳамроҳлик қиладиган бўлди. Бу унга биздан, балки ўч олиш имконини кенгайттирди.

У-чи? Йўқ, у олижаноблик қилди. Судланган Тошқўзи Муллаев, Абдужалил Бобоҷонов ва мени Обидов доим қўллаб-қувватлаб келди, ишимизни давом эттирдик. Суд ҳукми қонуний кучга киргач, вилоят ҳокими ва Абдуназар Худойназаровлар вазифасидан озод этилди. Виджоним олдига айтмай, мени Умара сафарига боришимга сабабчи бўлди, Абдужалил Бобоҷоновни эса ёнига олган, ҳамон "Фарғона ҳақиқати" газетасида ишлаб келмоқда.

Қачон Обидов билан учрашиб қолсам, у гўё ўртада ҳеч қандай кўнглисизлик бўлмагандек, тутайди ўзини. Мендан, кекса, бетеб журналистдан хабар олиб тургани ҳам бор гап...

Ҳаётимнинг кузи ўтиб борапти. Анчадан буён ўйлаб, истиқола қилиб юрган гапларим, туйғуларимни қозғаш битдим, бугун. Кўнглим энгли тортиди, ундаги бир тугун ечилгандек бўлди. Аллоҳ пок қалби, силан раҳмли инсонларни ҳаммиша ўз панохида асрасин!

Аҳмадали ХОДЖАЕВ,
"Фарғона ҳақиқати" –
"Ферганская правда" газеталари
собиқ бош муҳаррири.

("Миллий тилқини" газетасининг
2024 йил 26 июндаги
23-сонидан олинди).

Бугун - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Журналистлар — ҳолислик, ҳаққонийлик, миллий манфаатларимизга содиқлик каби принципларга амал қилиб, ўткир қалами ва ҳароратли сўзи билан жамоатчиликка ижтимоий жараёнлар моҳиятини англаб етишга қўмаклашадиган фидойи инсонлардир.

Шогирдлар эҳтироми

ҲАЛОЛЛИК ВА КАМТАРЛИКНИ ШИОР БИЛГАН

фахрий журналист Аҳмадали Хўжаев ҳузурида

Бундан салкам олтинчи йил илгари журналистиканинг сермашаққат ва масъулиятли йўлига илк қадам қўйган, соҳада самарали фаолият кўрсатиб, ҳаётини пасту баландини, аччиқ-чучуқини тотган, ҳаётини эътиқодидан, қўзлаган юксак максаддан чекинмаган Аҳмадали Хўжаев бугун ҳақли равишда "Устозларнинг устози" мақомига эришди.

маблағ топиш, уни Москвага ўтказиб бериш, асбоб-анжомларни Сингапурдан келтириш жараёнидаги югур-югурлар, беҳаловат кунлар устознинг хотирасидан ўчмайди. Қийинчиликларга қарамадан, 1991 йилнинг охирида "Фарғона" телевидениеси дастлабки кўрсатувини эфирга узатди. Ҳафтасига 2 марта, 1,5 соатлик телекўрсатувларнинг йўлга қўйилиши истиқлолга ҳамоҳанг равишда катта муваффақиятлардан бири эди.



донлаштириш бошқармасида раҳбар, Улуғбек ва Музаффаржон Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида, Асилбек "Uzsungwoo" қўшма корхонасида, Аҳаджон "Автоюна" АЖДА меҳнат қилишади. 13 нафар набера, 2 нафар чевара уларнинг келажак умидлари. Аҳмадали ака, журналистика соҳасидаги фидойи меҳнатингиз, оммавий ахборот воситалари ривожига қўшган хиссангиз, шогирдларга берган ҳаёт сабогингиз ва яратган ибрат мактабингиз учун Сизга ташаккур! Сўзимизни Жалолиддин Румий ҳазратларининг қуйидаги ҳикмати билан муктасар қилмоқчимиз: "Бир шам бошқа шамни ёқса, ўз нуридан ҳеч нарса йўқотмайди. Аксинча, зулматни ёритишга ёрдам беради".

Абдуҷалил БОБОЖОНОВ. Элёр ОЛИМОВ олган сурат.

Яхши инсонларнинг этагидан тутиб, кам бўлмади. Фарғона давлат педагогика институтини битириб, ҳарбий хизматдан қайтгач, дастлабки фаолиятини Фарғона туманининг "Шонли меҳнат" газетаси тахририятида бошлади. Уша пайтда тахририятда Камолиддин Саримсоқов, Қодиржон Шодмонов, Иброҳимжон Каримов сингари забардаст журналистлар ишлариди.

Ана ушундан буён ўтган гоҳ шодон, гоҳ ташвишли йиллар устоз ҳаёт китобига бирма-бир битилиб борди, улардан зарур хулоса, ибрат ва сабоқлар олди. Энг муҳими — ҳалол, дилдорликдан бегона, камтар ва камсукум ҳаёт кечирди. Не бахти, бу фазилатлар унинг умр саҳифаларини беэди. Бугун донишмандлик палласига етган, умрининг саксон биринчи баҳорини қаршилаган қадрли устоз шогирдлар эҳтиромида, қомил фарзандлар ардоғида, маҳалла-қўй, эл-юрт иззат-ҳурматида яшашдек олий мартабага эришди.

"Шонли меҳнат" ва "Истиқбол йўли" газеталари тахририятида бош муҳаррир ўринбосари, Марғилон шаҳар ва Фарғона вилоят партия қўмиталарида масъул лавозимларда ишлаган кезлари ғайрат-шижоатли, ташаббускор ва масъулиятли ходим сифатларини намоян эгди. Шу боисдан ҳам у вилоят радиозашитириш қўмитаси раиси вазифасига муносиб қўрилди.

— У пайтларда аҳоли уйларига симли радио ўрнатилган бўлиб, ҳар кеч вилоятимиз янгиланган, тематик эшиттирилган радиотўқинлар орқали хонадонларга кириб борар эди, — деб эслади Аҳмадали ака. — Урмонжон Ойматов, Абдумутал Қодиров, Ғулможон Бурҳонов, Баҳождиржон Абдуллаев, Ғулможон Солиев, Шаҳзодаҳон Содиков, Мўминжон Зокиров, Зуфаржон Султонов каби истеъдодли журналистлар елиб-югуриб, эшиттириш тайёрлаш билан банд эдилар. "Қопқон" радиожурнали тингловчилар орасида жуда машур эди.

Вилоятимизда телевидение ташкил этилиши катта воқеа бўлиб, у Аҳмадали Хўжаев номи билан ҳам бевосита боғлиқ, десак адашмаймиз. "Фарғона" телеканали кўрсатувлари тамал тошини қўйганларда бири эди у. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида бошланган эзгу иш анча мураккаб-ликлар билан кечган. Вилоятда телевидение ташкил этишга марказдан рухсат олиш, тележиздорлар учун

Шогирдлари ҳақида берган саволимига Аҳмадали ака Хўжаев: — Фалончиларнинг устозиман, дейиш ноқулай. Журналистика соҳасида кимки мени ўзига устоз деб билса, шу ижодкорнинг мураббийман, шу кифоя. Қолаверса, шогирдим, деб атайдиганларимнинг жуда кўпчилиги бугун ўзлари ёшларга эса. Ёш ҳамкасбларимнинг ҳузур шашти баланд. Уларнинг ижодидан, изланишларидан ва эришяётган ютуқларидан хурсандман. Оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами билан табриқлаб, қалам аҳлининг муваффақиятлари бардавом, ҳалоллик, ҳолислик ва ростгўйлик уларга ҳамisha йўлдош бўлишини тилайман. Материал тайёрлашда, уни ўқувчи, тингловчи ва томошабинга етказишда шомаш-шошарликка йўл қўйишмасин, "Етти ўлчаб, бир кес" мақолини асло ёддан фаромуш қилмасин. Чунки, газета саҳифасида чоп этилган, радиозашитириш ва телекўрсатувларда янграган, ижтимоий тармоқларда буй кўрсатган ҳар бир сўз — отилган ўқ қабидир. Эл олдига сўз айтиш ўта жиддий, масъулиятли масала. Айтишдаки-ку, ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир, — дейди майин кулимсираб.

Устоз маҳалладаги ибратли, бахтли-саодатли, файзли оиланинг соҳиби. Турмуш ўртоғи Роза опа Фарғона политехника институтини полиграфия йўналишини, Фарғона давлат университети филология факультетини тамомлаган. Узок йиллар вилоят босмахонасида матбаачи бўлиб ишлаб, нафақага чиққан. Беш нафар фарзандлари эл-юрт хизматига. Дилфузаҳон Фарғона шаҳар обо-

ридан ҳам бир хато газетхон саводхонлигига ҳам таъбир ўтказиши мумкин. Ёзган синчков ўқувчилар эса хато ёзилган сўзларга аниқлик киргизганда, бу нашрга бўлган муҳаббатни сўнади. Шунинг учун ҳам газетанинг янги сони нашрга тайёрланаётганда устозларимиз хотир-жамликка йўл қўймадилар. Феруза Муҳаббат Иброҳимова, Абдуҷалил Бобоҷонов, Ҳафиза Салаяхова, Маъмура Абдураҳимова, Матлуба Тожаилова сингари етуқ журналистлар билан бир сафда хизмат қилди. Уларнинг йўл-йўриқлари, маслаҳатлари амак қилиб, фаолият ривож топди. Йиллар буйи ўрганишдан чарчамади. — Кўча-қўйлардаги реклама ва эълонлардаги хатоларни қўй турайлик, газета-журналлар ёки телевизор орқали берилаётган матнларда ҳам хатолар учрайди. Бу менга жуда хуноқ кўринади. Журналист ёки матн терувчи шойиб ёзди ҳам дейлик, бирок муҳаррир, мусаххаччи, улар қарага қарапти, деб ўйлаб қоламан, — дейди у.

Айни дамда кўпбал тахририятлар, нашриётларда мусаххач лавозимини қисқартрилган, сабаби маблағ билан боғлиқ. Шунданми, журналистлар ҳам, ёзувчилар ҳам ўз асарларининг илмовий ва услубий жиҳатдан тўқис бўлиши учун ўзлари изланишмоқда. Бундан келиб чиқадими, мусаххачлик камбё соҳага айланиб қолди. Феруза Мирзажоновна айна дамда ҳам тахририятда сеvimли иши билан банд. Одатдаги иш куни. Хонада жимлик ҳукмрон. Ижодий ходимлар гўёки оёқ учига юргандай ҳаракатланишмоқда. Нега дейсими, чунки бугун газетанинг янги сони тайёрланмоқда. Феруза Мирзажоновна ижодлари нигоҳлари саҳифаларга қадалган...

— Бунинг учун ўқитувчиларимдан миннатдорман, — дейди у. — Айниқ-са, ёзги таътилда ўқиниш учун адабиётлар рўйхатини беришарди. Китоб ўқиган инсонда кўз хотираси кучаяди. У мутлоа қилган сўзларни хотирасида узок вақт сақлаб қолади. Шунданми, бошқа ерда бу сўзларни хато билан ёзилганини жуда тез пайқайди. Тахририятда Тошмат Ҳамидов, Бувихон Сотволдиева, Мухтор Ҳожиқурбонов, Ҳадича Жумабоева, Ҳанифа Усмонова, Раҳимжон Ҳомидов, Муродил Усарқулов каби тахририят мусаххачлар фаолият олиб боришган. Газетадаги ҳар бир сўзни ўткир нигоҳлари чигирналаридан ўтказишган. Мақолалар ўзбек тили имло қоидаларига мос келиши керак. Мусаххачнинг саводхонлиги баланд, фанларни яхши ўзлаштирган бўлиши муҳим. Чунки мақолада воқеликлар, соҳаларга оид терминлар жуда кўп учрайди. Бунда мусаххачнинг ақл-заковати катта аҳамият касб этади. Ўтказиб юбо-

ридан ҳам бир хато газетхон саводхонлигига ҳам таъбир ўтказиши мумкин. Ёзган синчков ўқувчилар эса хато ёзилган сўзларга аниқлик киргизганда, бу нашрга бўлган муҳаббатни сўнади. Шунинг учун ҳам газетанинг янги сони нашрга тайёрланаётганда устозларимиз хотир-жамликка йўл қўймадилар. Феруза Муҳаббат Иброҳимова, Абдуҷалил Бобоҷонов, Ҳафиза Салаяхова, Маъмура Абдураҳимова, Матлуба Тожаилова сингари етуқ журналистлар билан бир сафда хизмат қилди. Уларнинг йўл-йўриқлари, маслаҳатлари амак қилиб, фаолият ривож топди. Йиллар буйи ўрганишдан чарчамади. — Кўча-қўйлардаги реклама ва эълонлардаги хатоларни қўй турайлик, газета-журналлар ёки телевизор орқали берилаётган матнларда ҳам хатолар учрайди. Бу менга жуда хуноқ кўринади. Журналист ёки матн терувчи шойиб ёзди ҳам дейлик, бирок муҳаррир, мусаххаччи, улар қарага қарапти, деб ўйлаб қоламан, — дейди у.

Одатдаги иш куни. Хонада жимлик ҳукмрон. Ижодий ходимлар гўёки оёқ учига юргандай ҳаракатланишмоқда. Нега дейсими, чунки бугун газетанинг янги сони тайёрланмоқда. Феруза Мирзажоновна ижодлари нигоҳлари саҳифаларга қадалган...



ЭНГ ЁШ БОШ МУҲАРРИР

"Тулхан", "Тонг юлдузи" каби журналлар жой олган "Маънавият хонаси"да қолган ширин хотиралари ҳамон ўзи учун қадрли.

"Улгайгач, ким бўлсам экан?" деган савол бир неча жабҳада ўзини синаб кўришга олиб борди. Онаси отаси каби ҳарбий хизматчи бўлишни истаса, кўнгли журналист бўлишига даъват қиларди. Истар-истамас онасининг сўзидан чиқмади. Аммо тиббий кўрик хулоса бўйича буйи ҳарбийликка мос келмаслиги аён бўлди.

Дурдона Фуркат туманидаги "Баркамол авлод" болалар марказида иқтидорли ёшларга кичик ҳикоя ва мақолалар ёзишига қўмаклашиб юрганида, журналистика томон илк одим ташлаганди. Бу маскан унга катта ижодий муҳит яратди, ҳаваскор ижодкорларнинг ишланмаларини тахрир қилиш, газетага чоп этилишига қўмаклашиб асосида бадий ижодга бўлган қизиқиши янада ортди.

Туман "Навбахор" газетасининг ўша пайтдаги бош муҳаррири Раҳмонали Қосимов интилувчан қизда ноёб истеъод борлигини пайқайди. — Кун келиб, албатта юксалсан. Аммо илк парвозинг айнан шу ердан бошланиши керак, — дея тиргак бўлди бош муҳаррир унга. Дурдона касб сирларининг ун-

СИЗДАН МИННАТДОРМАН, УСТОЗ!

Шоирга дедилар сиз бахтли инсон, Элингиз ардоқлар, ҳамма танийди. Шоир жавоб берди: менда бор армон, Муаллим десалар мени қанийди!

Ассалому алайкум, азиз устозим! Ҳар гал Абдулла Ориповнинг ушбу сатрларини ўқиганимда, кўз ўнгимда сиз гавдаланасиз. Нурили чечраниб, маърифат тўла нигоҳларингиз беғубор балалигимни тилгайд хаёлимда.

Илк ёзган машқларимни мактабдаги тадбирларда ўқиб юрган пайтларим устозларим сиздан сабоқ олишим кераклигини айтишарди. Бир куни кутубхоначи опамиз "Қува ҳаёти" газетасини қўлимга бериб, ундаги бир суратни кўрсатдида, "Мана бу Зухра Алиева бўладилар", деди. Аниқ эслаймак, "Булар менинг қўшқанотларим" сарлавҳали мақоладаги сурат ўртасида ўзингиз, ўнгда Хурматой Дехқонова, чапта Ғўзал Эргашева турарди. Шу лаҳзада мен ҳам сизга шоғирд бўлишга охиқим. Газетани уйга олиб келиб, онамга кўрсатдим, "Надимнинг" тўғарагига олиб боришларини илтимос қилдим.

Академик лицейни тамомлаб, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига ўқишга кирдим. Журналистика бўйича илк сабоқ олган кезларимда сизни маҳкам кўчгим келди. Бир куни менга "Саодат" журнали тахририятдан қўнғироқ бўлди. "Суюнчи" рўқнида шеърларим босилибди. Суюлки шоирам Кутлибека Раҳимбоева билан кечган самимий суҳбатимиз чоғида "Зухранинг шоғирди эканлигинг сезилиб турибди!" дея ширин сўзлар билан сийлаганда, фахрлиб кетдим. Тахририятдаги қизгин мушоиралар, гоҳ устоз, гоҳ она, гоҳида дўст бўлиб берган сабоқларингиз учун миннатдорман, устоз!

Шоҳсанам НИШОНОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ахборот департаменти бош мутахассиси.

шижоат топа олди. Касбнинг оғир тошини елкасида сезди... Дурдона Гофорова "Фарғона ҳақиқати" газетасининг жамоатчи муҳбири ҳамдир. Унинг таҳлилий ва танқидий руҳидаги мақолалари газета саҳифаларида мунтазам чоп этиб борилади.

"Фарғона ҳақиқати" газетасида "Сонда бору, саноқда йўқ депутатлардан нима наф?" сарлавҳали мақоласи одамлар орасида узок вақт шов-шув бўлгани, ундан сўнг айрим кўштирноқ ичидаги депутатлар бирмунча сергак торгганини яхши эслаймак. Мақолада келтирилган "Минг афсуски, бугунги кун депутатлари фаолиятдан кўпчилигининг қўнгли тўлмаяпти. Бунинг журналист сифатида халқ орасига кириб борганимизда эшитяпмиз, ҳам аччиқ, ҳам латифанамас сўзлар бор, одамлар тилида. Аксарият депутатлар сессияларда муҳокама этилаётган масала юзасидан овоз бериш сўралганда, кўз кўтариб-туштириш билангина чекланишади", — деган фикрларига қўшилмаслигининг иложи йўқ. Бу фикрларни у шунчаки ёзгани йўқ, узок вақт ўрганишлари давомида шундай хулосага келган.

Ижодий маҳорати, мулоҳаза юритиш услуби ва энг муҳими, ҳаққонийликка таяниши Дурдона Гофоровани доимо ҳамкасбларидан ажратиб туради. Нияти эзгу бўлган журналист ҳар қандай вазиятда миллий манфаатга пўтур етказмайди. Виждон амрига хилоф йўл тутмайди. Бу унинг ижодкорона услуби.

Муаттар МАҲМУДОВА.

ИСТИҚЛОЛГА ТЕНГДОШ ТЕЛЕКАНАЛ



Кўқон шаҳар "Мулоқот" телевидениеси республикада илк қалдирғоч телевидениелар сафида 1991 йилда ташкил топган. Дастлаб икки соатлик дастури билан эфирга чиққан эди. Ходимлар сони бор-йўғи 3 кишидан иборат бўлиб, профессионал техника йўқлиги сабабли кўрсатувлар тайёрлашда машиини видеомагнитофон ва видеокамералардан фойдаланилган.

Бора-бора ижодий жамоа шаклланиб, ходимлар сони 9 нафарга етди. Шаҳардаги русий-забон фуқаролар тақлиф ва истақларини инobatга олган ҳолда, яқшанба кунлари рус тилида кўрсатувлар тайёрланиб, эфирга узатила бошланди. 1993 йилдан кўрсатувларимиз ҳар куни мунтазамлик касб этди.

Дастур тайёрлашда янгиланган алоҳида эътибор қаратилди. "Давр" ахборот дастури, шунингдек, бола-чагарон кўрсатувлар, "Саъяткор ҳаёти ва ижодига назар", "Шаҳримиз тарихий обидалари", "Кўқон — шоирлар шаҳри", "Шеъринг олами" каби қатор руқилар йўлга

кўйилди. 2000 йиллар бошларида телевидение ўзининг биринчи ярим профессионал видеотехникаларини сотиб олди, кўрсатувлар сифати туддан яхшиланди, мустаҳкам моддий база яратилди. Натижанда телевидение ижодий жамоаси республика базасида яратилди. 2004 йилда нафақат "Мулоқот", балки республикадаги хусусий телевидениелар фаолиятида катта ўзгаришлар содир бўлди. Шу йилнинг 7 сентябри куни Ўзбекистон Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси фаолиятига асос солинди ва барча хусусий телевидениелар ушбу ташкилотга бирлашди.

2017 йил "Мулоқот" тарихида ўзига хос йил бўлди, дейиш мумкин. Телеканал ўз дастурларини рақамли форматда эфирга узатишни бошлади. Бугун жамоада 20 нафардан ортки ижодий ва техник ходимлар фаолият юритмоқда. Кўрсатувлар ҳар куни арталаб 06.00 да бошланиб, 18 соат давом этади.

"Давр" информация дастури Кўқон шаҳри, Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларининг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган муҳим воқеалар, таҳлилий-танқидий репортажларни ўз ичига олади. Ҳафта давомида 40 мартаба


эфирга узатилади. Шанба кунги ҳафталик дастурда энг долзарб, таҳлилий лавҳаларга кенг ўрин берилди. "Ахборот" дастурининг рус тилидаги сони кунига 4, ҳафта ичида 28 марта эфирга берилди. "Долзарб мавзу" ток-шоусида Кўқон шаҳри ва атроф туманлардаги иқтисодий-ижтимоий соҳаларга оид долзарб мавзулар мутасаддилар иштирокчида муҳокама қилинади.

"Хидоят" маънавий-маърифий кўрсатуви шаҳар бош имом-хатиби билан суҳбат асосида ташкилланган, диний, маънавий-маърифий мавзуларда суҳбатлар уюштирилди, шу йўналишлардаги саволларга жавоб берилди.

Бундан ташқари, "Дилкаш лаҳзалар", "Тўғриси айтганда", "Маърифат гулшани", "Уйғоқ кўнглилар", "Илдирил ва япроқлар", "Мозийдан садо" сингари кўрсатувлар телетомошабинлар эътиборини қозонган.

"Мулоқот" телеканали эфирларини нафақат Кўқон шаҳри, балки Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларидаги телетомошабинлар, қўшни Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларининг чегарадош ҳудудлардаги аҳолиси ҳам томоша қилиш имкониятига эга. Ўзбекистон кабель телевидениелари орқали республика миқёсида, ижтимоий тармоқлар орқали эса хоҳлаган ҳудудда "Мулоқот" ТВ кўрсатувларини жонли тарзда кузатиш мумкин.

Одилжон ГОФУРЖОНОВ, "Мулоқот" телеканали директори ўринбосари.



30 ЙИЛЛИК МУСАХХИХ

ўтган асрнинг 90-йиллари охирида Фарғона шаҳридаги 10-умумтаълим мактабининг тамомлаган Феруза Мирзажонованинг саводхонлиги газета раҳбарияти эътиборига тушиб, у тахририятга ишга қабул қилинганда. Мана шунга ҳам қарийб 30 йил бўлди. Йиллар давомида ёш ходим тахририят мусаххач бўлиб шаклланди.

— Газетанинг босмахона ёки компьютер нусхаларини теришда йўл қўйилган орфографик хатоларни тўзатиш масъулиятли иш эди, — дейди Феруза Мирзажоновна. — Аммо бундан чўчимадим, устозлардан ўрганидим, бир матни қайта-қайта ўқиб чиққан кунларим ҳам бўлган. Феруза ўз истеъдодини ўқувчилик чоғлари кўп бадий адабиётлар мутлоа қилгани билан боғлайди.

— Бунинг учун ўқитувчиларимдан миннатдорман, — дейди у. — Айниқ-са, ёзги таътилда ўқиниш учун адабиётлар рўйхатини беришарди. Китоб ўқиган инсонда кўз хотираси кучаяди. У мутлоа қилган сўзларни хотирасида узок вақт сақлаб қолади. Шунданми, бошқа ерда бу сўзларни хато билан ёзилганини жуда тез пайқайди. Тахририятда Тошмат Ҳамидов, Бувихон Сотволдиева, Мухтор Ҳожиқурбонов, Ҳадича Жумабоева, Ҳанифа Усмонова, Раҳимжон Ҳомидов, Муродил Усарқулов каби тахририят мусаххачлар фаолият олиб боришган. Газетадаги ҳар бир сўзни ўткир нигоҳлари чигирналаридан ўтказишган. Мақолалар ўзбек тили имло қоидаларига мос келиши керак. Мусаххачнинг саводхонлиги баланд, фанларни яхши ўзлаштирган бўлиши муҳим. Чунки мақолада воқеликлар, соҳаларга оид терминлар жуда кўп учрайди. Бунда мусаххачнинг ақл-заковати катта аҳамият касб этади. Ўтказиб юбо-

ридан ҳам бир хато газетхон саводхонлигига ҳам таъбир ўтказиши мумкин. Ёзган синчков ўқувчилар эса хато ёзилган сўзларга аниқлик киргизганда, бу нашрга бўлган муҳаббатни сўнади. Шунинг учун ҳам газетанинг янги сони нашрга тайёрланаётганда устозларимиз хотир-жамликка йўл қўймадилар. Феруза Муҳаббат Иброҳимова, Абдуҷалил Бобоҷонов, Ҳафиза Салаяхова, Маъмура Абдураҳимова, Матлуба Тожаилова сингари етуқ журналистлар билан бир сафда хизмат қилди. Уларнинг йўл-йўриқлари, маслаҳатлари амак қилиб, фаолият ривож топди. Йиллар буйи ўрганишдан чарчамади. — Кўча-қўйлардаги реклама ва эълонлардаги хатоларни қўй турайлик, газета-журналлар ёки телевизор орқали берилаётган матнларда ҳам хатолар учрайди. Бу менга жуда хуноқ кўринади. Журналист ёки матн терувчи шойиб ёзди ҳам дейлик, бирок муҳаррир, мусаххаччи, улар қарага қарапти, деб ўйлаб қоламан, — дейди у.

Айни дамда кўпбал тахририятлар, нашриётларда мусаххач лавозимини қисқартрилган, сабаби маблағ билан боғлиқ. Шунданми, журналистлар ҳам, ёзувчилар ҳам ўз асарларининг илмовий ва услубий жиҳатдан тўқис бўлиши учун ўзлари изланишмоқда. Бундан келиб чиқадими, мусаххачлик камбё соҳага айланиб қолди. Феруза Мирзажоновна айна дамда ҳам тахририятда сеvimли иши билан банд. Одатдаги иш куни. Хонада жимлик ҳукмрон. Ижодий ходимлар гўёки оёқ учига юргандай ҳаракатланишмоқда. Нега дейсими, чунки бугун газетанинг янги сони тайёрланмоқда. Феруза Мирзажоновна ижодлари нигоҳлари саҳифаларга қадалган...

Одатдаги иш куни. Хонада жимлик ҳукмрон. Ижодий ходимлар гўёки оёқ учига юргандай ҳаракатланишмоқда. Нега дейсими, чунки бугун газетанинг янги сони тайёрланмоқда. Феруза Мирзажоновна ижодлари нигоҳлари саҳифаларга қадалган...

Одатдаги иш куни. Хонада жимлик ҳукмрон. Ижодий ходимлар гўёки оёқ учига юргандай ҳаракатланишмоқда. Нега дейсими, чунки бугун газетанинг янги сони тайёрланмоқда. Феруза Мирзажоновна ижодлари нигоҳлари саҳифаларга қадалган...

Одатдаги иш куни. Хонада жимлик ҳукмрон. Ижодий ходимлар гўёки оёқ учига юргандай ҳаракатланишмоқда. Нега дейсими, чунки бугун газетанинг янги сони тайёрланмоқда. Феруза Мирзажоновна ижодлари нигоҳлари саҳифаларга қадалган...

Маҳмўра БОЙБОБОВА.

МЕНИ ЭЛГА ТАНИТГАН ИЖОДКОРЛАРДИР



Шахноза ҒАНИЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилоят кенгаши раиси, "Шуҳрат" медали соҳибаси

Хеч бир мамлакат тараққиётини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиш қийин. Ҳамиша халқ билан ҳамнафас юриб, унинг қувонч ва ташвишларини ёритувчи, ўрни келганда мақтов, баъзан эса тухмат тошларига рубрану бўлса-да, касбига содиқ бўлган ижод аҳлининг сабру қаноати ҳаминша таҳсинга сазовор.

Муаммолар билан мурасасиз бўлиш, ўткир таҳлилий мақолалар тайёрлаш, янги иш ўринларини яратиш имконияти ҳақидаги таклифлар билан аҳоли бандлиги қилиш ижод аҳлидан катта жасорат, мардликни талаб этади. Шундай фидойи инсонлар билан ҳамфикр бўлганим, ижодкор-тадбиркор сифатида элга танилишимга йўл очгани айни ҳақиқат.

2010 йилда "Рухсор" телеканали бош муҳаррири вазифасида ишлаган Гулчехра Аҳмедова таклифи билан "Бекажон" кўрсатуви муаллифи ва бошловчисига айландим. 300 га яқин кўрсатув тайёрлаб, нафақат Фарғона, балки водий хотин-қизлари хонадонига "кириб бордим". Ҳатто, Фарғона вилоят телерадиокомпанияси орқали хотин-қизлар тадбиркорлигига доир иқтисодий кўрсатувлар тайёрлашга ҳам жазм қилдим.

Одамларнинг самимий муносабати, таклифлари мени оддий ўқув маркази ўқитувчилигидан шахс сифатида

шаклланишимга, жамиятда ўз ўрнини топишимга катта туртки бўлди. Кейинчалик мамлакатимизда биринчилардан бўлиб, тадбиркорликка қўл урдим. Фарғона шаҳар марказида "Ибратли бекам" ўқув марказини бунёд этиб, юзлаб янги иш ўринларини яратдим.

Фарғоналик ҳар бир ижодкор мен учун устоз, маслаҳатгўй. Раҳматли онам Муяссархон Охунова "Сени элга танитган журналистлар қадрини ҳаминша улуғ тутгин" дея кўп айтдилар. Онамнинг сўзлари мен учун ҳаёт ўғити бўлиб қолди. Гулчехра Аҳмедова, Дилоромхон Раҳимова, Муҳаммадҷон Обидов, Иброҳимҷон Ҳалимбеков каби устозларим номини узоқ давом эттиришим мумкин.

Кўча-кўйларда, жамоат жойларида кимдир мени "Бекажон", кимдир "Ибратли бекам" ёки "Адолатчи" деса қалбим қувончга тўлади. Демак, мени халқ танипти, қадрлапти. Буларнинг ортида машаққатли меҳнатларимни "элга дастурхон қилган" ижодкорларнинг хизмати мужассамлигини эҳтиром билан тан оламан.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятимиз оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан чин қалбдан табриклиман. Журналистиканинг нонини ейиш учун тилларни темирга айланган улкан сабр-қаноат эгаллари соғлиқ-омонлик, узоқ умр тилайман. Жамият равнақи, Ватан тараққиёти сиз билан экан, асло кам бўлман!

"МИЛТИРАБ, МИЛТИРАБ БИР ЧЎҒ КЎРИНДИ..."

"...Инсон бўлиш – курашиш, ўз йўлини топиш, ўз ўрнини билиш..." Фарғона туманида яшовчи шоира, журналист Мавлуда Авазова бундан 40 йил муқаддам ёзган мақолаларидан бирини шундай сўзлар билан бошлаган экан. Муаллиф ёзганлари га амал қилиб яшамоқда.

Мавлуда Авазова Фарғона туманининг Миндон қишлоғида туғилди. Отаси Нўмонжон ота ўқитувчи, онаси Солияхон она кутубхоначи бўлиб ишлашарди. Олти қиз, бир ўғил орасида улғайган Мавлудахон ўқувчилик чоғларидан адабиётга меҳр қўйди, шеърлар, эртагу мақолалар ёза бошлади. Мактаби аъло баҳоларга тамомлаб, Кўқон хотин-қизлар техникумида, сўнгра Кўқон педагогика институтининг филология факультетида ўқиди.

Кўлида мутахассислик дипломи билан туманга қайтган Мавлудахон 7-умумтаълим мактабида бошланғич, сўнгра ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, мактабнинг илмий бўлим мудири вазифаларида фаолият олиб борди. Турли мавзуларда ёзаётган шеър, ҳикоя ва мақолалари туманининг "Шонли меҳнат" газетасида чоп этилар эди.

Жамоатчи мухбирнинг истиснододи эътиборсиз қолмади, 1986 йили газета таҳририятига ишга қабул қилинди. У кўп йиллар Қаҳҳор Мирзапўлат, Қодиржон Шодмонов, Нейматжон Раҳмонов, Иброҳимҷон Ашуров, Алишер Раҳматуллаев, Кўзибой Обидов, Муҳаммадҷон Орипов, Носиржон Раҳимов, Рустам Орипов, Собиржон Дадаҳўжаев каби тажрибали журналистлар билан бирга фаолият олиб борди.

Газета саҳифаларида "Одамлар, одамлар!", "Эътиборингиз шунчами?" рўкнлари остида тиббиёт, татлим ва маданият билан боғлиқ таҳлилий-танқидий мақолалари чоп этилди.

Милтираб, милтираб бир чўғ кўринди,
Умид қалъасининг баланд томида.
Унинг ёруғида битаман қўшиқ,
Ҳаммаси ҳазрати инсон ҳақида.

Ёки
Сочига оқ оралаган чол,
Минг йиллик дард орқалаган чол,
Бол ўрнига ғам ялаган чол,
Туш кўради ўтмиш ҳақида...

Тошдан тошга урилиб оқаётган сув каби тиниқлашиб келаётган фикрларни бир шеърга жамлаш мураккаб жараён. Шоир қалби эса тоғларни ларзага сола олувчи қудратга эга. Мавлуда Авазова ижоди ҳам ана шундай турфа феъл-атвор эгаларига кўзгу тутар, ўз қаҳрамонини баъзан сўз хипчинин билан саваласа, баъзан саодат сари етаклар эди.

Қаҳрамонимиз Искандар Омонбоев билан оила курди, икки қиз, бир ўғилли бўлишди. У туллари фарзандлари га алла айтар экан, қўшиқ матни ҳар кун қайтадан яралар, аниқроғи, шоирнинг янги шеърлари туғилар эди. Оқ қоғозга кўчирилган шеърлар тахлам-тахлам бўлиб кетарди. Кўп ўтмай ушбу ашъорлар "Туғилиш", "Қалбим сирлари" номли муаллифлик китобларида жам бўлди. Шунингдек, "Ёлқин", "Бир гўзал дунё" тўпламларидан ўрин олди.

– Адабиёт инсон кўнглини покловчи, эзгу амалларга чорловчи кўприк. Бироқ бугун кўпчилик китоб мутлоасидан, яхши асарлар таҳлиладан узоқлашгандай, дейди у. – Менга илҳом бахш этган, ҳаёт синовларидан эсон-омон ўтиб олишимда мадад бўлган ҳам мана шу китоблар, шеър ва мақолаларим бўлди. Мен ўзим ёзган ҳар сатрдан, ҳар сўздан кун олдим. Фақат олдинга, ёруғликка талпиндим. Яратганга минг шукур, бугун бахтиёр бўвман, кўчгим набираларга тўла, фарзандларим ардоғиданман. Умра сафарига бориб қайтдим. Ҳар дуоларимда юртга тинчлик, элга омонлик сўраб толмайман.

Мавлуда Авазованинг айтмоғичи бўлганлари кўп. У айни кунларда навбатдаги китоби таҳрири билан банд. Агар саховатпеша, адабиётни, шеърятни қадрловчи инсонлар кўмакка ошиқса, шоирнинг янги китоби яна ўқувчилари кўлига етиб боради.

Фарғона туманининг "Беруний" маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган кайвони онахон



Мавлуда Авазова суҳбатимиз якунида мени чиройли дуолар билан сийлади, мен эса содда ва камтарин аёлга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб хайрлашдим.

М.УСМОНАЛИЕВА.

ИЖОДКОРНИНГ ДЎСТИ ҲАМ, ИЛҲОМЧИСИ ҲАМ КИТОБ

Бундан бир неча йиллар муқаддам Фарғона шаҳар имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежи қошидаги "Ёғду" тўғараги аъзолари ўзларининг ижодий машқлари билан вилоятимиздаги босма оммавий ахборот воситаларига, хусусан, "Фарғона тонги" газетасига ташриф буёрур эдилар. Пухта таҳрирдан ўтган шеър, ҳикояларни ўқиб, устозлар ҳақида сўради. Улар Тоҳир Йўлдошев ҳақида фахрлини сўзлай кетдилар. "Устозимиз айтдилар, китоб ўқишимизнинг самараси ижодий ишларимизни янада бойитар экан".

...Қатор ҳикоя, шеър, мақолалари билан ўқувчилар кўнглига кириб борган ижодкор Тоҳир Йўлдошев Фарғона шаҳридаги 30-умумтаълим мактабида ўқиб юрган давридаёқ бадиий адабиётга меҳр қўйган.

– Газета таҳририятига мактублар йўллар эдим. Газетани, билмадим, менчалик биров кутганми-йўқми, ишқилиб хат ташувчи менинг интизоримдаги энг қадрдоним эди, – дейди Тоҳиржон Йўлдошев. – Ижодга кириб келишим мана шундан бошланган, десам муболага бўлмас. Аслида, оиламиз китобхонлар оиласи эди. Кичик опамнинг китоб ўқийганида бирдан шарақлаб кулиши, кескин хомуш тортиб қолиши, гоҳи пиқ-пиқ йиғлаши бизларни хушёр торттирарди. Катта опам тамом акси эди. Унсиз йнги, унсиз кулги, унсиз жимжитлик. Хуллас, кичик опам, "Бу катталарнинг китоби", деб яшириб кўр, китобнинг

орқа муқовасидаги "қора лола" тасвирини бизга кўрсатиб, мумкинмас, дерди. Беркитилган китобни излаб топиш менга қийинчилик туғдирмаган. Мана шу қобилиятим кичик опамнинг мен учун атай болаларга хос китобларни сотиб олиб келтиришига сабабчи бўлган бўлса, ажабмас.

Тоҳиржон Йўлдошев 1998-2003 йиллари Фарғона давлат университетининг ўзбек филологияси йўналишида таҳсил олди. Бу пайтда нашрларда ижодий машқлари чоп этилар, ўзи эса ижоддан сира тинмасди. Шу билан бирга "Энг улуғ, энг азиз", "Ўзбекистон – Ватаним маним" каби танловлар ғолиби бўлди.

Бу орада ижодкорнинг "Икки ўт ораси" номли китоби чоп этилди. Асарлари "Юрдан тўкилган сатрлар", "Мунир қалб армуғони", "Хотираларда жонланган тарих", "Фарғона ойдинлари" тўпламларига киритилди. "Ўзбекистон Конституциясининг 26 йиллиги" эсдалик нишонин билан тақдирланди, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.


Қаҳрамонимиз салкам ўттиз йил Фарғона шаҳар имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган Республика касб-хунар коллежиде ўқитувчилик вазифасида ишлади. Ёшларга нафақат она тили ва адабиётдан сабоқ берди, балки "Ёғду" тўғарагини ташкил этиб, ёш иқтидорларга кўмаклашди. Тўғарақ аъзоларининг ижодий



Газета таҳририятига мактублар йўллар эдим. Газетани, билмадим, менчалик биров кутганми-йўқми, ишқилиб хат ташувчи менинг интизоримдаги энг қадрдоним эди...

Маҳиёра
БОЙБОБОВА.

ИНСОН ҚАДРИ ҲАР НЕДАН УЛУҒ



Юртимизда инсон қадри ҳаминша улуғланган келинган. Ўзаро ғамхўрлик, меҳр-оқибат тушунчалари эса бизнинг қон-қонимизга сингиб кетгани табиий. Мамлакатимизда 2023 йил 15 октябрдан бошлаб ижтимоий Ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида кўрсатиш, аҳолининг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш, шунингдек, ижтимоий Ҳимоянинг манзиллидиги ва самарадорлигини ошириш ҳамда аҳолининг кўмакка муҳтож ҳаётлари ижтимоийлашувини татминлаш мақсадида "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди.

Бизга маълумки, баъзан ижтимоий Ҳимояга муҳтож инсонлар ёрдам сўраб кимга ва қарга мурожаат этишим билмай бошлари қотади. Ҳадеганда, шаҳар ёки туман марказларида боришдаги ноқулайликлар, бора олганда ҳам уларга мадад қўлини чўза оладиган ташкилотни излаб топиш осон кечмайди.

Бугун эса маҳалла еттичилиги таркибиде "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари ходимларининг ҳам борлиги, улар ёрдамида алоҳида Ҳимояга муҳтож аҳоли муаммоларини аниқлаш ва унга маҳалла даражасида комплекс ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилгани қувонарли бўлди.

Мен Тошлоқ туманидаги "Фурқат", "Дўстлик", "Сўқчилик" маҳалла фуқаролар йиғинларига туман "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази томонидан тайинландим. Маҳаллалардаги ижтимоий Ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари билан учрашиб, суҳбатлашиб жараёнида уларнинг соғлиғидеги ўзгаришлар, ечим зарур муаммоларини атрофлича ўрганишга, нафақат давлат томонидан кафолатланган ёрдам ва хизматлардан фойдаланишга

кўмаклашиб, балки оила аъзолари билан яқиндан танишиб, уларни ҳам оғир вазиятдан олиб чиқишга ёрдам беришга ҳаракат қиялман. Шунингдек, бу оилаларда муаммоли ҳолатларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўриб бораيمان.

Фаолиятим давомида "Фурқат" маҳалла фуқаролар йиғини Тўралар кўчасида яшовчи, боқувчисини йўқотган Матмуржон Ҳомидовга ногиронлик аравачаси зарур эканини аниқладим ва уни олишда ёрдам бердим.

2-гурӯҳ ногирони Жасурбек Раҳмонов кўп йиллардан бундан ишга жойлашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиш истағида бўлган экан. Бу масалани ҳам ўз назоратимга олдим. Саъй-ҳаракатларимиз натижасида у вилоят солиқ бошқармасига боғбонликка қабул қилинди.

Инсонларнинг дарду ҳасратларини тинглаш, уларга хурсандчилик улашиш осон иш эмас. Айниқса, суҳбатдошнинг ижтимоий Ҳимояга муҳтож бўлса. Кўнгли ярим, дардида муносиб ҳамроҳ, унга елка тутта оладиган кўмакчининг борлигидан улар ҳам хурсанд бўлишмоқда.

Азизахон ИБРОҲИМОВА,
Тошлоқ тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ижтимоий ходими.

"Фарғонадон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти

Ўз акциядорларини 2024 йил 19 июль кун, соат 11:00 да бўлиб ўтадиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Акциядорларни рўйхатга олиш шу кун соат 10:00 да бошланади.
Манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Аҳмад Фарғоний кўчаси, 93-уй.

- Йиғилиш кун тартиби:
1. Жамият Низомига ва татсис ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар киритиш.
- Жамият Кузатув кенгаши таркибини кўриб чиқиш ва Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
- Жамият ходимлар сонини мақбуллаштириш.

Акциядорлар рестрининг ёпи-

лиш санаси: 2024 йил 26 июль ва 15 июль.

Акциядорлар шахсларини тасдиқловчи ҳужжат, ишончли вакиллар тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида келишлари сўралади.

Умумий йиғилишга боғлиқ ҳужжатлар билан "Фарғонадон маҳсулотлари" АЖ Қимматли қоғозлар бўлимида танишишлари мумкин.

Телефон: (99) 915- 63-11.
Кузатув кенгаши.

"Fergana Realtor House" МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига "Ўзбекистон пахта тозалаш корхонаси" акциядорлик жамиятининг 2024 йил 14 июндаги 27-сонли буюртма хатига асосан, Фурқат тумани, "Навбахор" МФЙ, Темир йўлчилар кўчаси, 185-а" уйда жойлашган, 0035-литердаги савдо мажмуаси, 0036-литердаги ҳаммом биноси ва ишоотлари (1 200 кв.м., ер майдони билан) қўйилади.

Бошланғич баҳоси – 102 064 572 сўм. Аукцион савдоси 2024 йил 30 июль кун, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукционда қатнашиш учун буюртмалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмалар қабул қилишнинг охири муддати: 2024 йил 29 июль, соат 16:00 гача.

Савдога қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси. Шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдога қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнома; нусхаси илова қилинган ишончнома;
– жисмоний шахслар учун – паспор-

тининг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичиде сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси "Fergana Realtor House" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига закалат келишув шартномасига асосан ўтказишлари шарт: Х/р: 2020 8000 8070 9010 4002. АТБ "Капиталбанк" Фарғона филиали, МФО: 01158, СТИР:31139289.

Савдо ташкилотчисининг ва савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават. Телефон: (99894) 510-61-11. ferganarealtorhouse@mail.ru.

Шоҳимардон манзаралари

ЭШИТГАНДАН КЎРА БИР КЎРМОҚ АФЗАЛ



Дар знинг чилласида ҳам қор босган пурвиқор тоғлар этагидаги Шоҳимардон қишлоғида бўлганмисиз? Унинг шоҳқалоқ дарёларида тошдан-тошга урилиб оқадиган пишган сувидан ичганмисиз? Олой тоғлари қуршовида, сув сатҳидан 1550 метр юқорида, икки дарё қўшиливи жойидаги Ўзбекистоннинг энг гўзал гўшаларидан бири – Шоҳимардон қишлоғидир. Бу ерда 6 мингга яқин аҳоли яшайди.

Шоҳимардон табиати гўзаллиги, ҳавосининг кислородга бойлиги ва тозалиги билан ҳамisha сайёҳларни ўзига чорлаб келган. Қишлоқнинг қоқ марказидаги тепалиқда гўзал мақбара савлат солиб туради. Уни Ҳазрати Алининг дунёдаги етти та мақбараларидан бири дейишади ва бу ерга зиёратга келиб, дуои фотиҳа қиладилар. Ижоди ҳақида ҳамон баҳсли мунозаралар давом этаётган шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий дафн этилган жой ҳам шу тепалиқда. Шоҳимардоннинг одамларни ўзига мафтун қилган Оксуб ва Кўксув дарёлари қишлоқ марказида қўшилади. Унинг оқим йўли икки қирғоқларида бутунга келиб замонавий дам олиш масканлари қурилган. Меъморий ечими турлича, аммо қулай дам олиш уйлари, меҳмонхоналар кишин-ёзин зиёратчилар билан гавжум. – Уй меҳмонхоналардан 60 таси тўлиқ ишга тушди, – дейди "Шоҳимардон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Икромжон Абдухолиқов. – "Дача"ларимиздан 30 тага яқини санузеллари ичида, таҳоратхона, иссиқ ва совуқ сувлари бор. Уларнинг ҳар бирида 30 тадан 50 тагача жой мавжуд. Шоҳимардонликлар эрта тонгда топган-тутгани: қаймоқ, асал, малина, сарёғ, дўлта, қатлама-патирлари билан меҳмонларга пешвоз чиқадилар. Бу неъматлар тоғлардан шифобахш ўт-ўлан еган чорва ҳайвонларининг гоат мазали маҳсулоти. Асалариларнинг гоҳ арча гули, гоҳ тоғ наъма-тагидан йиққан боли минг дардга даво. Тоғ ён бағирларида ўсадиган ёввойи малина мураббосига эса таъриф етишмайди. Уларни тандирдан узилган иссиққина ёғли нон билан истеъмол қиласиз. Шоҳимардоннинг энг бебаҳо жиҳати – унинг арчалар ифориға тўла шифобахш ҳавосидир. Шунинг учун бу ерда бир асрдирки, нафас йўллари ни даволончи сикатгоҳ ишлаб турибди. Оксуб дарёси Шоҳимардонга гўё икки тоғни ёриб, ўзига йўл очгандек. Шу ерда унинг қудратини ҳис қиласиз. Бир ёнида яна бир мўъжиза бор. Бу – Чаккатомар. Баҳайбат тоғнинг



асрий тошларидан битта-битта томиб, кичик жилға ҳосил қилади у. Сувини замзам таъмига ўхшатадилар. Шоҳимардоннинг ёдда қоладиган жойларидан яна бири – Ҳамза ва Ҳазрат Али мақбараси томон олиб чиқадиган зинадир. Ундан кўтарилиб чиқувчи одам уларни санаганида 242 та чиқса, у дилидаги орзуларига албатта етишади, деган ақида ҳам бор. Зина пойида яна бир жой борки, уни албатта эслашимиз керак. Шўро давридаги тарихчиларнинг ёзишича, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг радикал экстремистлар айнан мана шу ерда тошбўрон қилиб ўлдирган дейишади. Лекин айрим тарихчилар бу фикрни инкор этадилар ва Ҳамзани тўполон пайтида НКВД (собик иттифоқ ички ишлар комиссарлиги) да ишлайдиган яширин агент отиб ўлдирган, деган фикрни ҳам илгари суришади. Шеърят мухлислари, сайёҳ меҳмонлар бу жойни ҳам зиёрат қилиб ўтадилар. Қишлоқ марказидаги ўймакор ва кошкор безакли хашаматли бино – масжиддир. У жума намози ўқиш мақомига эга. Айтишларича, ҳозирда бир кунда Шоҳимардонга 15-20 минг меҳмон келиб-кетаяпти. Улар мароқли дам олишлари учун сайёҳлик йўналишларидан ташқари, кўнгилочар тадбирларнинг кети узилмайди. Майдонга дор тикилган устазода дорбозлару, кизиқчилар даврага қувонч бахш этадилар.



Айниқса, полвонларнинг чиқишлари ҳамisha қизиқарли бўлади. – Муҳтарам Президентимиз Қирғизистон Президенти билан дўстликни мустаҳкамлаб, йўллари очиб бердилар. Қирғизистон, Қозғистон, ҳатто узоқ чет эллардан ҳам сайёҳлар келияпти, – дейди полвон Азиз Маҳкамов. – Давраимиз кундан-кунга тўлиб борапти. Шундай экан, хизмат қилишдан чарчамаймиз. Шоҳимардон манзараларини сўз билан акс эттирilmay-миз. Юксак тоғлар қўқиси пойидаги афсонавий қўллар, нафас олиб тўймайдиган арчазорлардан бошланадиган жилға, Оксуб ва Кўксув дарёлари, Чаккатомар, хушманзара дам олиш масканлари, меҳмондўст шоҳимардонликлар ҳақида эшитгандан кўра, бир бор кўрмоқ афзал.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

Ислохот самараси:

ИМКОНИЯТ ВА ШАРОИТЛАР ЯНГИЛАНМОҚДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда ер ва унға муносабат тубдан ўзгарди, ер сотиш ва ер билан боғлиқ савдоларда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига чек қўйилмоқда. Ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибнинг жорий этилиши, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек, ернинг иқтисодий қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида эркин муомалага киритишга доир изчил ислохотлар амалга оширилмоқдаки, барчасининг замирида халқимиз манфаати, қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 19 апрелдаги "Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг электрон онлайн-аукцион савдолари орқали ижарага берилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида"ги қарори ва мазкур ҳужжат билан тасдиқланган "Бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун электрон онлайн-аукцион савдо орқали ижарага бериш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг тасдиқлашнинг қонунчилигимиздаги ижобий ўзгаришлардан бири сифатида қайд этиш мумкин.

Юртбошимизнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, айниқса, ёшларни, "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари", "Темир дафтар" да турган шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларга ер ажратиб бериш орқали бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишга қаратилган саяё-ҳаракатлари ҳам эътиборга молик.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, тадбиркорлар ва қишлоқ хўжалиги соҳасида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларига кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, жорий йил 1 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини етиштирувчи, ишлаб чиқарувчи ва уларни экспорт қилувчи тадбиркорлар билан ўтказилган мулоқотда белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан маҳаллий маҳсулотлар стендларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ихтисослашган нуфузли халқаро кўргазма ва ярмаркалар-
Собиржон МЕЛИБОВЕВ, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бош юриконсулти.



Гўёвандлик балоси инсоният ҳаётига жиддий хавф солаётган машғум иллатлардан бири. Бежизга аср вавбоси дейилмайди. Уни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, истеъмол қилиш ортдан қанчадан-қанча оғир жиноятлар содир этилмоқда, тинч оилалар ҳаловати, миллат генофонди бузиляпти.

Юртимизда 1999 йилда "Гўёвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. Жорий йил 6 майда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг гўёвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакат генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегияси чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони имзоланди. Унга кўра, гўёвандлик ва наркотиқларга қарши курашиш бўйича 2024 - 2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегия қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига гўёвандлик воситасининг ноқонуний муомаласи учун жавобгарлик белгиланган.

Утган ҳафтада Сенат ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига гўёвандлик воситаларининг, улар аналогларининг ёки психотроп моддаларнинг, шунингдек қулни таъсир қилувчи ва захарли моддаларнинг қонунга хилоф муомаласига қарши курашишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди. Ушбу ҳужжат билан гўёвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни телекоммуникация тармоқларидан ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш орқали қонунга хилоф равишда муомалага киритилган, ушбу жиноятларни вояга етмаганларни жалб қилган ҳолда содир этганлиги учун жавобгарлик чоралари қучайтирилмоқда.

Шунингдек, унда гўёвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларини, қулни таъсир қилувчи ва захарли моддаларини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда олганлик, сақлаш, тартиб, ташиш билан ёки жўнатганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Афсуски, гўёвандлик воситалари етиштириш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамон содир этилмоқда. Айниқса, бу кўпроқ ёшлар ўртасида оммалашаётгани ташвишли ҳол.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судида кўрилган "иш" да аниқланишича, 1998 йилда Қўштепа туманида туғилган Нуриддин Омонов (исми-шарифи ўзгартирилган) туман ҳудудидаги дала ер майдонларидан ёввойи ҳолда ўсиб чиққан "наша" ўсимликларини териб олиб, улардан гўёвандлик воситасини тайёрлаш ва келгусида ўтказиш мақсадини кўзлаб, ўз хонадонига сақлаб келган.

Фарғона шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда у Фарғона шаҳридаги хонадонларнинг бирида 300.000 сўм эвазига 0,42 грамм гўёвандлик моддасини махсус харидорга сотаётган вақтда ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Шунингдек, таниши П.Нарзиев (исми-шарифи ўзгартирилган) ни ўзи томонидан тайёрланган гўёвандлик моддасини истеъмол қилишга жалб қилган.

Суд кимёвий экспертизаси ҳулосасига кўра, ашёвий далил тариқасида олинган модда таркибида гўёванд тетрагидроканнабинол моддаси бўлиб, у "гашиш" деб аталувчи гўёванд воситалар туркумига кириши маълум бўлди.

Бошқа ҳолатга кўра, Марғилон шаҳрида туғилган Ойдини Расулова (исми-шарифи ўзгартирилган) аввал ҳам уч бор судланганига қарамай яна жиноят кўчасига қадам қўйди. У ўта хавfli рецдивист бўлгани ҳолда, Фарғона шаҳар, "Бешбола" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги дала ер майдонидан ёввойи ҳолда ўсиб турган "наша" гўёвандлик ўсимлиги барглари териб олиб, уларга ишлов бериб, қўлбола усулда "гашиш" гўёвандлик воситасини тайёрлади. Уларни сотиш мақсадида яшаш хонадонига қонунга хилоф равишда сақлаб келган.

Ҳуқуқ-тартибот ходимлари ўтказган тезкор тадбирда О.Расулова махсус харидорга тўртта бўлакка бўлинган "гашиш" гўёвандлик воситаларини 500.000 сўм эвазига сотаётган вақтда ушланди. Бу модда таркибида ҳам фаол гўёванд модда – тетрагидроканнабинол мавжудлиги аниқланди. Бундан ташқари, О.Расулованинг яшаш хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганда, сотиш учун тайёрлаб қўйилган гўёвандлик моддалари топилди.

Ҳар иккала айбланувчи Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси тегишли моддалари билан озоликдан махрум қилинди. Бу турдаги жиноят кўпайишининг асосий омилларидан бири бефарқликдир.

Демак, юртдошларимизни гўёвандлик балосидан асраш учун тарғибот-ташвиқот ишлари қўламини янада кенгайтириш, шу орқали унга қарши иммунитетни қучайтиришимиз зарур.

Камолитдин РАҲИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг судьяси.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalarini tahririyati	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.	Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да 2498 нусxada чоп этилди. Буюртма: 399.	Бизнинг манзили: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума куни чиқади.	★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи муҳаррир: Маҳиёра Бойбобоева.	Саҳифаловчи: Асилбек Қудратов. Босишга топшириш вақти: 18.00. Топширилди: 16.00.